Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 март, пайшанба • № 28 (22.265).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИ ВА ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши шуни кўрсатмоқдаки, қатор хўжалиқ юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги, ташаббуссизлиги, боқимандалик кайфияти, корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бузиши уларни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хўжалик судлари зарар кўриб ишлаётган хўжаликларга нисбатан муросасозликка йўл қўймоқдалар, мазкур корхоналарнинг мансабдор шахсларини қонунда белгиланган жавобгарликка тортмаяптилар. Хўжасизлик ва пул маблағларини беҳуда сарфлаш, улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига хўжалик низоларини кўриб чиқишда етарли баҳо берилмаётир. Судлар корхоналарни банкротликка олиб келувчи дебитор-кредитор қарзларининг юқорилиги ҳамда зарар кўриб ишлашнинг сабабларини етарли даражада ўрганмаяптилар ва аниқламаяптилар. Етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш юзасидан аниқ чоралар кўрилмаяпти.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда ўзибўларчилик, совуққонлик ва хизмат мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйишни давом эттирмоқда. Бундай ҳолатга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди ва кескин чоралар кўрилиши талаб қилинади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва уларда белгиланган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Хўжалик судларининг фаолияти республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига тўла жавоб бермайди деб топилсин.

Қонун бузувчиларга нисбатан муросасозлик қилиш, айрим судлар фаолиятидаги сансалорлик ва расмиятчиликка олиб келувчи хўжалик низоларини кўришга юзаки ёндашиш ҳолатлари қоралансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари:

хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатсин;

иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлласин;

хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопласин;

пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларни эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритсин.

3. Таъкидлансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз фаолиятида хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ташкил этиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида пала-партишлик ҳамда ноизчилликка йўл қўйиб сусткашлик қилмоқда.

Адлия вазири С. М. Мирсафоевдан:

Хўжалик юритувчи субъектларни, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш бўйича қонунчиликда белгиланган чораларни қўлланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бу ишда расмиятчилик ва ҳуқуқий саводсизликка барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди билан биргаликда ўн кунлик муддат ичида шартномалар, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида контрактация шартномаларини тузиш ва ижро қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятларини бажаришнинг аҳволини мунтазам ўрганиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш талаб қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар. Пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаслик, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш кўрсатиб ўтилган шахсларни қаттиқ жавобгарликка, жиноий жавобгарликка тортишгача олиб келади.

5. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси хўжалик юритувчи субъектлар қонунларини бажариши устидан назоратни кучайтирсин, корхоналарни иқтисодий ночорликка, банкротликка олиб келганлиги ва шартнома мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаганлиги учун мансабдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ўз вақтида судларга даъво аризаларини тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичида қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин ва мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 4 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ФОНД БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ НЕГИЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Акциядорликка айлантирилаётган корхоналарнинг Ўзбекистон ва хорижий сармоядорларни жалб этишдан манфаатдорлигини ошириш, уларнинг техник қайта жиҳозланишини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда фонд бозоридаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида:

1. Акциядорликка айлантирилаётган корхоналарнинг акциялари пакетларини Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 31 мартдаги 1740 рақамли Фармонида белгиланган улушлари бўйича қуйидаги тартибда жойлаштирилсин:

меҳнат жамоаси акциялари пакети акциядорликка айлантирилаётган корхона тасарруфига берилади, жамоа аъзолари ўртасида тарқатилади ҳамда улар кўзлаган тартибда фойдаланилади;

давлатга тегишли акциялар пакети давлат мулкини бошқариш ваколатига эга бўлган орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва табдиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ихтиёрида қолади;

эркин сотув ҳамда хорижий сармоядорларга сотишга мўлжалланган акциялар пакетлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда акциядорликка айлантирилаётган корхоналар томонидан биргаликда жойлаштирилади ва тарқатилади.

2. 1999 йил 1 январга қадар бўлган даврда эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акциялардан тушган маблағ (валюта ҳисобидаги тушумни ҳам ҳисобга олган ҳолда), истисно тарзида, тўлалигича (операция харажатларидан ташқари) қайтармаслик имтиёзи билан акциядорликка айлантирилаётган корхоналарга ўтказилади. Бу маблағ солиққа тортилмайди ҳамда ундан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ренавация қилиш ва янгилаш бўйича қатъий мақсад йўлида фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналарнинг эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акцияларни сотишдан тушган маблағлари махсус очиладиган махсус ссуда ҳисобларида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига 1999 йил 1 январга қадар бўлган даврда акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналар билан биргаликда уларнинг эркин сотув ва хорижий сармояларга мўлжалланган акцияларини сотиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси акциядорлик жамиятларининг акцияларни сотишдан ўз ихтиёрида қолган маблағлардан аниқ мақсадларда фойдаланиши устидан назорат қилсин. Бу маблағлардан кўзда тутилган мақсадларда фойдаланмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда, улар республика бюджетига ўтказилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида пайдо бўлган акциялар янги эгаларига белгиланган тартибда сотилгунга қадар биринчи марта жойлаштирилган давлат мулки ҳисобланади;

акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ўтказиш, уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдаги ҳолатига кўра, низом жамғармасининг бошланғич ҳажмига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, лекин сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар билан биргаликда 1998 йилнинг 1 чораги мобайнида акциядорлар рўйхатини улар олиши лозим бўлган дивидендларни тўлаш учун давлатга тегишли бўлган акциялар пакетларига мувофиқлаштирсинлар.

4. Ўзбекистон Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси бир ҳафта муддат ичида:

Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклиф киритсин;

амалдаги идоравий меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен ҳамда молия вазири Ж. Сайфиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 4 март.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Жанубий Корея Президенти Ким Де Жун муваққат вазирлар маҳкамасининг раҳбарини тайинлади. Бош вазир вазифасини президентнинг миллий ассамблея партиясидаги ҳамкасби Ким Жон Ир бажарадиган бўлди. Ким Жон Ир янги сайланган давлат раҳбарининг президент сайловларидаги рақиби эди. У сайловолди курашларидан воз кечиб бўлажак президент Ким Де Жунга йўл очиб берган эди. Бунинг эвазига у Бош вазир лавозимини эгаллади. Бунинг натижасида ҳозирги президент ўтган йилнинг 18 декабрида бўлиб ўтган сайловда 1 фоиз ортиқча овоз билан ғалаба қозонган эди.

***

Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Дини яқин келажакда Эронга ташриф буюрмоқчи. Европа кенгаши томонидан Эрон зиммасига қўйилган 6 йиллик «дипломатик эмбарго»ни биринчи бўлиб тўхтатмоқчи. Дини Теҳронга ташрифи орқали Италиянинг Форс кўрфазидаги тижорат юзасидан устунлигини ҳам таъминламоқчи. Бинобарин, Эрон дунёдаги нефть ва газ заҳиралари жиҳатидан биринчи ўринда туради. Чунки бу ерда жаҳондаги ушбу хом ашёнинг тўртдан бир қисми мавжуд.

***

Россияда ишлаб чиқарилаётган ҳар икки шиша спиртли ичимликнинг бирини яширин йўл билан тайёрлашмоқда ва бу ишлаб чиқарувчига юз фоизгача даромад келтирмоқда. Айни пайтда Россиянинг Грузия билан чегарадош ҳудудларида 6 мингта 200 литрли спирт солинган бочкалар тўпланиб қолган. Улар исталган пайтда Россия ишбилармонларининг қўлига келиб тушиши мумкин. Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маҳсулотни жўнатаётган фирмалар ва ишлаб чиқарувчиларнинг манзилидан бохабар, бироқ ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Ҳамонки, спирт дарёси тўхтамаётган экан, демак бу кимгадир керак.

***

АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн Америка ҳарбий хизматчилари орасида Сибирь яраси тарқалишининг олдини олиш мақсадида аскарларни эмлаш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди. Айниқса, Форс кўрфази ҳудудида жойлашган Америка ҳарбий хизматчиларининг саломатлиги ҳақида кўпроқ қайғуриш зарур, деди вазир.



ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги метеорология бош бошқармасида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик муаммоларнинг турли жиҳатларини кўриб чиқишга бағишланган минтақавий илмий семинар иш бошлади. У Оролни қутқариш бўйича Халқаро жамғарма ва Жаҳон банки кўмагида ташкил этилди. Семинарда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг етакчи олимлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

* * *

Республика Адлия вазирлигида давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасида 1997 йил якунлари бўйича ўтказган мажлисдаги маърузасида кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда адлия ходимлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Вилоят хўжаликлари раҳбарларининг Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида ўтказилган ўн кунлик семинар-ўқуви якунланди. Унда тингловчилар қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги илғор тажрибаларни ёйиш, ер, деҳқон хўжалиги, фермерлик, ширкат хўжалиги, оила пудрати тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ўргандилар.

* * *

Икки йилдирки, Наврўз байрами кунлари Тошкентда халқ ҳунармандлари республика кўргазмалари ташкил этиляпти.

18 — 22 март кунлари ўтказиладиган бу йилги кўргазмада халқ ҳунармандлари нафақат тайёр маҳсулотларини намойиш этади, балки ўз маҳоратларини шу ернинг ўзида намоён қилиш имконига ҳам эга бўладилар.

Ҳунармандлик расталари Миллий боғ ҳудудидаги Абулқосим мадрасаси, Олий Мажлис биноси, Алишер Навоий ёдгорлиги оралиғидаги майдондан жой олади.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

КИМНИ АЛДАЯПСИЗ, ЁШУЛЛИ?!

Ҳар деҳқончилик йилининг ўзига яраша ташвиши, қийинчиликлари бўлади. Шунга қарамасдан, бободеҳқонларимиз ҳеч нарсадан чўчимасдан, иккиланмасдан барча машаққатларга бардош бериб, экин-тикинини қилаверади. Фақат уларга соз, сифатли ишлов берадиган техника воситалари кўмак берса бас. «Техника — деҳқон қаноти», деган гап аслида қизил шиор эмас, балки, ҳаёт ҳақиқатидир.

Айни кунларда техниканинг қадрига етган, тилини билган хўжаликлар таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Маълумки, техникалардан самарали фойдаланган туманлар, хўжаликлар ўтган қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Сув танқислигига қарамасдан, техника ёрдамида пахта, шоли тайёрлаш режаларини ошириб бажардилар. Қорақалпоғистон Республикасида 4 та туман, 80 та хўжалик пахта тайёрлаш режасини ошириб адо этди. 279,5 минг тонна пахта давлатга сотилди. Бу 1996 йилдагидан 65,5 минг тоннага кўп демакдир...

Иш қуроли соз деҳқон экин-тикин ишларини 15-20 иш кунида ҳеч қийналмасдан, агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказиб олади. «Ҳали вақт бор, шошилмасак ҳам бўлади», қабилида иш юритаётган хўжалик раҳбарлари эса бу йил ҳам вақтни бой беришлари мумкин. Мана «Халқобод», «Улуғбек», Б. Каримбердиев номли, «Кегайли», Оҳунбобоев номли, «Кенгес» каби бир қатор хўжаликлар ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш режаларини барбод қилиб келмоқдалар. Сабаб битта: техникани унумли ишлатмаслик, агротехника қоидаларига риоя этмаслик...

Элликқалъа, Тўрткўл, Қўнғирот, Нукус туманларининг «Бўстон», «Қирққизобод», «Сарибий», «Уллибоғ», Ш.Рашидов номли, «Мискин», «Шўрахон» каби хўжаликларида экишда қатнашадиган тракторлар, плуглар, сеялкалар, насослар, бульдозер ва скрепер каби техникаларни капитал ва жорий таъмирлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хуллас, экишда қатнашадиган барча транспорт воситалари мавсумга шайланмоқда.

Биз республиканинг энг шимолида жойлашган Тахтакўпир туманига Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги механизация бўлими бошлиғи Рашид Нурниёзов билан сафар қилдик. Илк суҳбатдошларимиз, туман ҳокими ўринбосари Сулаймон Қидирбоев, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Турабой Ослоновлар экиш техникаларини таъмирлаш ишлари ҳақидаги саволларимизга аниқ жавоб бера олмадилар. Уларнинг тавсиясига кўра туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси механизация бўлими бошлиғи Сарсенбой Қозоқбоевга учраштик.

Сарсенбой Қозоқбоев билан «Тахтакўпир» очиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ҳиссадорлик жамияти устахонасида, иш устида гаплашдик. Усталар билан суҳбатлашдик. Суҳбатимизга бош агроном Нуриддин Ақшабоев қўшилди.

— Техникаларни таъмирлашда қанча киши қатнашяпти? — сўрадик ундан.

— ...

— Бош муҳандис қаерда?

Н. Ақшабоев «Саволларга сиз жавоб беринг», дегандек МТП устахонаси бошлиғи Нурлибек Қораболаевга ишора қилди.

— График бўйича 92 киши таъмирлаш ишларида қатнашиши керак. Ҳозир эса 60 га яқин одам ишлаяпти.

— Таъмирловчиларнинг ишга қачон келиб-кетишини, улар қандай топшириқлар олиб, бу топшириқларни қай даражада бажараётганликларини билсак бўладими?

— Журналимиз бор.

... Афсуски, журнал топилмади. Аслида бу журналнинг борйўқлигини ҳам аниқ биломадик. Тўғри-да, меҳнат интизоми бўлмаган жойда кимнинг қандай ишлаётганини билиб бўлармиди. Бизга 27 та ҳайдов тракторидан 10 таси мавсумга шай деб маълумот беришди. Ўша тайёр тракторларни кўрсатишларини илтимос қилдик.

—2 таси далада ишлаяпти.

— Қолган 8 таси-чи?

— ...

Устахонани ҳиссадорлик жамияти фаоллари билан айланиб чиқдик. Лекин тайёр, комиссия томонидан қабул қилиб олинган бирорта техникани учратмадик. Таъмирловчилар учун махсус кийим-кечаклар, иссиқ овқат, хуллас, шарт-шароитлар яратилмаган. Ишлаш учун имконият бўлмаган жойда, яхши иш бўлмаслиги ҳам ҳаммамизга аён, ахир. Мавжуд 29 та плуг, 14 та сеялка ва бошқа техникаларнинг ярми ҳам таъмирдан чиқмаган. Тумандаги «Ўзбекистон», «Мақполкўл», «Давқора», «Бўршитов», «Маржонкўл» хўжаликларида ҳам таъмирдан чиқарилган ҳайдов тракторлари сони 5-9 тадан ошмайди. Туман бўйича 198 та ҳайдов тракторидан 62 таси, 174 та плугдан 82 таси, 104 та сеялкадан 46 таси таъмирланган, холос.

— Нима учун туман хўжаликларида техникаларни капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда? — деган саволимизга туман «Агромашсервис» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Собир Сайимбетов қуйидагича жавоб берди:

— Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, кейинги йилларда республика базаларидан қарзларимиз кўпайиб кетган. Шунинг учун эҳтиёт қисмлар, янги техникалар сотиб олишга имконимиз бўлмаяпти. Иккинчидан, туман хўжаликлари қарзларини ўз вақтида тўламаётганлиги натижасида таъмирлаш ишларини яхши йўлга қўя олмаяпмиз. Шу йилнинг биринчи январига қадар туман хўжаликлари биздан 29 миллион 577 минг сўм қарз. Бизлар эса баъзи ташкилотлардан 14 миллион 291 минг сўм қарздормиз. Хуллас, ишларимиз ўлда-жўлда эканлигига мана шу айтганим, дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳам сезиларли «ҳисса» қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманлари хўжаликларида техникаларни экиш мавсумига шайлаш шу куннинг талабларига умуман жавоб беролмайди. Мисол учун, Чимбой туманида машина-трактор парклари ташкил этилганига уч йил бўлишига қарамасдан, ишда ҳеч қанақа силжиш, ўзгариш йўқ. Маълумотларга қараганда, туманда мавжуд 241 та ҳайдов тракторидан 66 таси, 223 та плугдан 104 таси, 147 та сеялкадан 70 таси таъмирдан чиққан. Бу соҳада Қонликўл тумани ҳам бошқалардан қолишмайди. Бу туманда ҳам 199 та ҳайдов тракторига, 151 та плугга, 40 та сеялкага ҳалигача ҳеч ким қўл урмаганини қандай тушуниш мумкин. Кегайли тумани кейинги 3-4 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш режаларини узлуксиз барбод қилиб келаяпти. Шунча йиллик хатолардан хулоса чиқармаган кегайлиликлар бу йил ҳам экиш техникаларини мавсумга тайёрлашда бепарволикни тарк этолмаганларини қуйидаги рақамлар исботлаб беради. Туманда ҳайдов тракторларини таъмирлаш режаси 39 фоизга, плугларни таъмирлаш режаси 37 фоизга, сеялкаларни таъмирлаш режаси эса 41 фоизга етибди, халос.

Биз қайси хўжаликда бўлмайлик, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай қилиб қўйилган техникаларни учратмадик ҳисоби. Тайёр дейилганлари ҳам комиссия томонидан қабул қилиб олинмаган.

Юқорида айтганимиздек, таъмирловчи усталарга ишлаш учун умуман шарт-шароитлар яратилмаганлиги, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ишнинг белига тепмоқда. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги бонс хўжаликлар, идоралар, бирлашмалар фаолияти издан чиқмоқда. Бу ҳолда узоққа бориб бўлмайди. «Бизда ҳаммаси яхши», деб ўзимизни ўзимиз алдашимиз мумкин. Лекин бу билан иш битмайди, ахир. Изланиш, имконият топиш, бугунги оғир аҳволдан қутулиш керак. Бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманларидаги баҳорги экин-тикин мавсуми биз кутгандек якунланмаслиги аниқ...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ГАЗ САНОАТИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«ТУПРОҒИ ЗАР, МАЪДАНИМ МАНИМ...»

Севимли шоиримизнинг Ватан васфи қуйланган машҳур шеърий гулдастасида юқоридаги сатрларни ўқигансиз, албатта. Дарҳақиқат, шоир айтганидек, Ўзбекистон ўзининг табиий шароити, иқлими, ер ости ва ер усти бойликлари билан Ер юзининг жаннатига қиёсланади. Ўзбек тупроғининг бағри ҳам ўзбек миллатининг бағри каби кенг, иссиқ ва саховатлидир. Бугунги кунгача мамлакатимиз ҳудудида 15О дан ошиқ газ, газ конденсати ва нефть конлари очилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Албатта, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Жуда катта ва оғир меҳнатнинг маҳсули бу. Бирор-бир конни топиш учун геологларимиз йиллаб меҳнат қиладилар. Қиш қаҳратонини, ёз жазирамасини матонат билан енгадилар. Дейлик, кон топилди. Энди ер бағридаги табиий бойликни қазиб олиш учун ўрнатиладиган мосламаларни жой-жойига қўйиш ҳам катта ўрин тутади. Хуллас, ҳамма-ҳаммасининг онаси меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатдир.

Маълумки, фойдали қазилмаларни, хусусан, углеводород ёқилғисини қидириб топиш ишларини даставвал геологлар бошлашади. Шу боис биз ҳам даставвал Геология ва минерал манбалар давлат қўмитаси раиси Т. Ш. ШОЁҚУБОВни суҳбатга чорладик.

— Тўлқин ака, суҳбатимизни Ўзбекистон геологиясининг кечаги кунидан бошласак, деган фикрда эдик...

— Республикамизда илк марта 1957 йилда геология-қидирув ишлари битта ташкилотга бирлаштирилди. Ўша давргача бу соҳа мутахассислари тарқоқ ҳолда иш олиб боришарди. Табиий қазилма бойликларни қидириш ишлари ҳам собиқ марказнинг мувофиқлаштириш марказидан туриб бошқариларди. Кейинчалик вазирлик ташкил этилиб, барча ишлар аниқ кўзланган мақсад, режа асосида олиб бориладиган бўлди. Шунга қарамасдан вазирлик собиқ марказнинг кўрсатмасисиз, эркин иш юрита олмасди. Чунки геология қидирув ишларига ажратиладиган маблағ, қаердан нима қидириш, ҳаттоки, иш жадвалигача «юқоридан» тасдиқланарди. Ана шунга қараб ҳам вазирликнинг кечаги кунини тасаввур қилиш мумкин бўлса керак, деб ўйлайман.

— Сиз бу соҳага кеча кириб келмагансиз. Демоқчи бўлганимиз, ўша пайтларда дуч келинган қийинчиликлар ҳақида аниқроқ сўзлаб берсангиз?

— Қай бирини санаб берайин. Ҳозиргина айтдим, барча геологик қидирув режалари фақатгина Москвадан туриб тасдиқланарди. Лўнда қилиб айтганда, топилган ёки топилаётган табиий қазилма бойликлари ўша ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини ривожлантириш учун эмас, балки, Москванинг режасига қўшадиган ҳиссасига қараб баҳоланарди. Ахир қанчадан- қанча олтинга тенг бойликларимиз топилган жойнинг ўзидаёқ тайёр қувурлар орқали Россиянинг турли вилоятларига оққани бугун ҳеч кимга сир эмас-ку.

—Бу бойликларни ўзимиз, яъни Ўзбекистон учун фойдаси қай даражада бўларди?

— Тўғрисини айтганда, шундай дарёнинг бошида ўтирардиг-у, томчилаб сув ичардик. Мисол учун газни олиб кўрайлик, Ўзбекистоннинг баъзи йирик шаҳарлари, саноат корхоналаригина бу бойликдан фойдаланиш имкониятига эга эди. Бухоро гази шундай ёнгинасидаги қишлоқлар учун ҳам газ фақатгина орзу эди, холос. Лекин Газлидан чиқаётган 15-17 миллиард куб табиий ёқилғи Урал ва Россиянинг марказий шаҳарларига сувдай оқиб турарди.

— Наҳотки бундай ноҳақликларга қарши курашишнинг ҳеч бир йўли топилмаган бўлса?

— Яна қайтариб айтаман, топилган табиий бойликлардан фойдаланиш билан фақатгина «юқори» шуғулланарди. Бизнинг вазифамиз фақатгина қидириб топиш, уларнинг қўлига қўшқўллаб топширишдан иборат эди. Бўйсунмасликнинг иложи топилмаган. Тўғри, вақти-вақти билан бундай тутумга нисбатан норозиликлар бўлиб турарди. Лекин натижа бўлмасди. Чунки, ҳар биримизнинг бошимизда тоталитар тузумнинг қонли қиличи осилиб турарди.

Қанчалик оғир бўлганига қарамасдан, ўша йилларда геологларимиз ёмон ишлашмаган. Мақтанишга арзигулик салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Ана ўша оғир йилларда Газли, Шўртан, Кўкдумалоқ, Қандим ва бошқа бир қатор нефть, газ ва газ конденсати бойликлари топилди ва ишга тушди. Мана биргина Кўкдумалоқдаги нефть заҳирамиз бир неча ўн миллион тоннани ташкил этади. Ана шу ерда текшируув ва қидирув ишлари олиб бориш мақсадида маблағ ажратишларини сўраб жуда кўп баҳслашишимизга тўғри келган. Чунки «юқори» учун кўпинча тез иқтисодий натижа бериши кутилган конларни ишга тушириш фойдалироқ эди. Келажакда керак ишлаш учун фойдаланиладиган нефть учун ҳам рухсатни Москвадан олиб келинарди.

— Хулоса қилиб айтганда Москва бошқариш билан, жойлар бўйсуниш билан овора бўлган, дейиш мумкин. Айтингчи, бундай бўйсунишларнинг асосий сабаби нимада бўлган? Мансаб вазифасидан ажраб қолишдан қўрқишми ёки бизга номаълум бўлган бошқа сабаблари ҳам бормиди?

— Йўқ, масалани бу даражада кескин ва кўндаланг қўйиб бўлмайди. Собиқ иттифоқ даврида ишлаганлар билишади марказлаштириш деган балонинг нима эканлигини. Марказлаштирилган иқтисодий жараён беш йилликларга бўлиб-бўлиб режалаштириларди. Режадан бир қадам на у ёққа, на бу ёққа чиқа олмасдингиз. Тўғри, иттифоқнинг вазирлик ва идоралари ўз манфаатларини ўйлаб, режаларни ҳар бўладиган, узоқ муддатли қидирув ишлари улар учун қизиқ эмасди. Биз эса, ҳар доим ҳам ўз ҳақлигимизни исботлаш имкониятига эга эмасдик. Сўнгги йилларда иш шу даражага борган эдики, оддийгина бир қувур учун ҳам Москвадан рухсат олиш керак бўларди. Иқтисод шу даражада чалкаш қилиб боғлаб ташланган эди-ки, бирор масаланинг на боши, на охирини топиб бўлмасди. Ҳаттоки, қайта йили ўзларича ўзгартириб ҳам турардилар.

Энди «юқори»дан қўрқиш масаласига келсак, бу ҳам сизлар айтган даражада бўлмаган. Чунки, биз ўз вазифамизни жуда яхши билардик. Ўз ишимизни сидқидил, виждонан адо этишга ҳаракат қилардик. Ер ости бойликларини қидиришни режалаштириш ва тасдиқлаш мобайнида ҳақлигимизни исботлаш учун Москвада тегишли идораларнинг эшигида кунимиз ўтарди. Эҳ-ҳей, оддийгина ҳақиқатни исботлаш учун қанча вақт, энг асосийси, қанча асаб сарфланарди. Халқ тилида айтганда, биргина ҳақиқатни исботлаш учун Москвага қатнайвериб-қатнайвериб туфлимизни таги тешиларди.

— Хўп, шунча саъй-ҳаракат билан бирор нарсага эришиб бўлармиди?

— Маълум маънода эришардик. Тўғри, эришмаган пайтларимиз ҳам бўлган. Мана, мисол учун, узоқ югур-югурлар ва жойлардаги ташкилот ҳамда бошқармаларнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли жанубий Орол минтақасида қидирув ва текшириш ишларини бошлагандик. Узоқ йиллар оғир шароитда қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Сарфланган маблағ ҳам ҳавога кетмади. Жуда катта истиқболга эга бўлган Урга ва Орол конлари топилди. Биласизми, Ургадаги газ заҳираси ўнлаб миллиард куб метрни ташкил қилади. Бу айтишга осон рақам бўлгани билан, жуда катта бойлик демакдир. Худди шундай Шўртан конларини очиш жараёни ҳам жуда оғир кечган. Қолаверса, Шўртаннинг истиқболига кўпчилик ишонмаган. Бироқ бизнинг сабр матонатли геологларимиз барибир уни кашф этишга мушарраф бўлишди. Ундан кейин Уст-Юрт газ фавворалари отилиб чиқди. Хуллас, биз ўша йилларда ҳам ўзимизнинг оғир ва шарафли меҳнатимизни чин юракдан бажарганмиз, дейишимиз мумкин.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодий ҳаётда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Айтинг-чи, бу борада нефть ва газ саноатида қандай ўзгаришлар бўлди?

— Бундан тўрт йил илгари нефть ва газ конларини қидирув бўйича вазирликнинг бир неча бўлимлари ҳукумат қарори билан «Ўзбекнефтгаз» давлат корпорацияси ихтиёрига берилган эди. Айни қарор ўзини оқлаши, нефть-газ саноати тизимида ҳар қандай масалани ўз жойида, осонгина ҳал қилиш учун қулай шароит вужудга келди. Бошқача айтганда, ҳақиқий ишлайдиган пайт келди. Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагига озгина бўлса-да, ҳисса қўшиш бизнинг олий мақсадимиздир.

Суҳбатдошлар:
Вячеслав ДРАЧЕВ,
Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Оҳангарон туманида ётқизилаётган Олмалиқ — С. Раҳимов номли ҳиссадорлик жамияти газ узатиш қурилишида (чапдан ўнгга) қувур ўрнатувчи машина ҳайдовчиси А. Исломов, қурилиш участкаси бошлиғи А. Кинибоев, «Ўзбекгазсувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари, мазкур қурилиш бўйича масъул Б. Умрзоқов ва Жиззах вилоятидан ёрдамга келган қурилиш-монтаж бошқармаси муҳандиси Ф. Хайруллаевлар ишларнинг боришини таҳлил қилишмоқда; монтажчи—слесарь А. Ҳасанов ва пайвандчи Н. Ким; янги газ узатиш тармоғи қурилишининг сўнгги километрлари; Янгибозор қишлоғининг кекса отахони А. Норбоев (ўртада), механизаторлар С. Эшбоев ва У. Холиқуловларга ўз таассуротларини сўзлаб беряпти.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

ЛОВУЛЛАЙВЕР ЮРТИМДА, «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Республика Коммунал хизмат вазирлигига қарашли «Ўзбекгазсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг яқинда бўлиб ўтган йиллик ҳисобот йиғилишида ўтган йилги ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятига яхши баҳо берилди. Унинг бўлинмалари бажарган умумий иш ҳажми 808 миллион 282 минг сўмликни ташкил этди. Бу эса йиллик дастур 23,4 фоиз ошиғи билан бажарилганидан далолатдир. Умуман, бирлашма бунёдкорлари режадаги 370,3 километр ўрнига 433,5 километр газ шахобчаларини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Унинг ярмидан кўпроғи давлат маблағлари ҳисобига, қолгани эса бошқа манбалардан, аниқроғи газ истемолчиларнинг ўзларидан олинган маблағлар ҳисобига қурилди.

— Кузги-қишги мавсумгача қурилиши лозим бўлган муҳим объектлар қаторида Ховос туманининг юқори ҳудудида жойлашган қишлоқларга газ қувурлари ётқизиш, Гулистон туманидаги Ҳамид Олимжон номли, Сайхунобод туманидаги Ш. Раҳимов номли, Бекобод туманидаги Навоий номли жамоа хўжаликларини, Сўх туманидаги Шарҳобод қўрғонини газлаштириш, Андижон вилоятида Қўрғонтепа—Хонобод газ қувурларини ётқизиш, машҳур Шоҳимардон қишлоғини газлаштириш вазифалари бор эди, — дейди очиқ турдаги «Ўзбекгазсувқурилиш» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Ўткир Холмуҳамедов. — Бошқа бир талай қурилишлар ҳам ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари, бошқармамиз жамоаси ишлаб турган шахобчаларни қайта тиклаш ишлари билан ҳам шуғулландилар.

Бошқарув раисининг сўзларига қараганда, «Ўзбекгазсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг имкониятлари шулар билангина чегараланмайди. Унинг 13 та ҳаракатчан қурилиш-монтаж бошқармасидан иборат қудратли тизими бор. Қурилиш-монтаж бошқармаларининг тажрибали ишчи ва мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларининг қишлоқлари ҳамда шаҳарчаларида, воҳа ва тоғолди ҳудудларида бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар. Улар учун ҳар қандай об-ҳаво шароити кор эмас. Уларнинг ҳаммаси тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усулида ишлайдилар ва шунинг учун юқоридан йўл-йўриқ кутиб ўтирмайдилар.

— Бошқармамиз ҳар қандай мураккаб, қийин топшириқ бўлмасин, уддалашга қурби етади. Ўтган йили, масалан, улар жуда ҳам қийин, фавқулодда кўп меҳнат талаб қиладиган вазифаларни бажардилар. Хусусан, ерости ва ер устидан катта диаметрли қувурларни ётқизишга тўғри келди.

Трестимиз ўтган йили акционерлик жамиятига айланганидан сўнг унинг аҳил ва жипс жамоаси янада самарали ишлашга, қурилиш ишлари муддатини қисқартиришга, уни арзонлаштиришга интилмоқда. Бунга эришилмоқда ҳам. Оҳангарон туманидаги тоғолди ҳудудларда жойлашган бир қатор хўжаликларни газлаштириш учун ётқизилаётган 21 километрлик газ қувури қурилиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу қурилиш баҳор байрами Наврўзгача ниҳоясига етказилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу иш учун атиги уч ой кифоя қилди. Газопровод фойдаланишга топширилгач ва газ шаҳобчалари тортилгач, тумандаги ўнлаб қишлоқларнинг, шу жумладан олис тоғ оралиғидаги қишлоқларнинг ҳам қарийб 15 минг аҳолиси «зангори олов»дан баҳраманд бўлишади.

— Бизнинг гуруҳимиз тўрт кишидан иборат, — дейди қувур ётқизувчи машинист А. Исломов, — Жиззах вилоятидан ёрдамга келганмиз. Мен билан пайвандловчи Н. Ким, чилангар-монтажчилар А. Ҳасанов ва Д. Абдуллаевлар елкама-елка туриб меҳнат қилишяпти. Улар ўзларининг техникаси ва асбоб-ускуналари билан келишиб, ўша зиҳотиёқ ишга киришиб кетдилар. Яқин орада қишлоқ марказида анъанавий «зангори олов» машъаласи порлайдиган С. Раҳимов номли хўжалик аҳли ва раҳбарлари бизни жуда яхши кутиб олдилар ва зарур шарт-шароитларни яратиб бердилар. Бизлар Тошкент вилоятилик ҳамкасб дўстларимизга ушбу газ қувурини жуда қисқа муддатларда қуриб битказишлари учун қўлдан келган барча ёрдамимизни кўрсатяпмиз. Ҳозир трассанинг сўнгги километрлари бунёд этиляпти. Звеномиз диаметри 219 миллиметр бўлган қувурларни пайвандлаш ва уларни бетон таянчларга ўрнатиш билан шуғулланади. Оҳангарондаги ишлар ниҳоясига етгач, ўзимизнинг Жиззах вилоятидаги қурилишларга қайтамиз.

Акционерлик жамияти бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаяпти. Бозорнинг эса ўз қонун-қоидалари борки, уларга, албатта, риоя қилиш даркор. Бунда, энг аввало, рентабеллик ва даромад кўзда тутилади. Бинобарин, акционерлик жамиятининг аксарият бўлинмалари бу борада тиллари қисиқ эмас. 1997 йил ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти якунларига кўра «Ўзбекгазсувқурилиш» 42 миллион 483 минг сўм соф фойда билан чиқди. Аслида бу кўрсаткич 40 миллион 318 минг сўм қилиб белгиланганди.

Аҳён-аҳёнда газ тармоқлари қурилиши экологияга зиён етказади, деган гаплар ҳам қулоққа чалинади. Бундай фикр билан келишиб бўлмайди. Бу ҳақда Олмалиқ — С. Раҳимов газ қувури лойиҳасининг бош инженери ва бошқа бир қатор қурилган ва қурилаётган объектлар лойиҳасининг муаллифи, «Ўзбекгазлойиҳа» институтининг мутахассиси З. Патхуллаев шундай дейди:

— «Ўзбекгазсувқурилиш» бирлашмаси бунёд этаётган барча иншоотлар бизнинг институтимизда лойиҳалаштирилади. У ёки бу объект лойиҳасини яратишга киришишдан аввал қидирув ишлари амалга оширилади, техник иқтисодий далиллар тузилади. Мана шу ҳужжатлар билан бирга экология масалалари, қишлоқ хўжалик корхоналарининг, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва қолаверса, қишлоқ аҳлининг ҳам манфаатлари, албатта, инобатга олинади. Ҳеч қачон маҳаллий хўжаликларнинг қарор топган деҳқончилик тизими, экинзорлар ва уларни суғориш тартибига зиён-заҳмат етказилишига йўл қўйилмайди. Биз табиат учун мутлақо безарар бўлган усулларни, хусусан қувурларни дарё ва сойларнинг ўзанларига ётқизиш, трассада учрайдиган табиий ғовлардан ошиб ўтишни таклиф этамиз. Шундай экан ҳар бир лойиҳа экологик муҳофазага эга. Бундан ташқари, ҳар қандай лойиҳа турли даражадаги маҳаллий ҳокимият вакиллари билан келишилгандан сўнггина амалга оширилади. Биз лойиҳачилар эса шундан сўнг мунтазам равишда муаллифлик назоратини олиб борамиз, яъни қурилишда бизнинг талабларга риоя этилаётганини кузатамиз. Шукурки, ҳозиргача қурилишларда лойиҳадан четга чиқиш ёки унга риоя этмаслик ҳолларини учратганимиз йўқ.

Оҳангарон туманидаги газ қувури қурилиши участкаларидан бирида биз 80 ёшлик қария, меҳнат фахрийси, уруш қатнашчиси Абдураззоқ ота Норбоев билан учрашиб қолдик. У қурувчиларнинг ишини ғоят қизиқиш билан кузатар эди. Отахонни суҳбатга тортиб, ушбу газлаштириш ишларига муносабатини билмоқчи бўлдик.

— Менинг оилам, нафақат бизнинг оила, балки бутун қишлоғимиз аҳли бу ишлардан бениҳоя мамнунмиз, — дея ўз миннатдорчилигини билдирди отахон. — Албатта, газ текин нарса эмас, аммо қанақасига ҳисоб-китоб қилиб кўрманг у кўп марта арзонга тушади. Одамларни ўтин тайёрлаш машаққатидан халос қилади. Умуман, биз яшаётган жойлар қўриқхона ҳисобланади. Бу ердаги ҳар бир дарахт, бута ҳисобли. Булар-да ҳаммаси эмас. Газ одамларнинг машаққатини, мушкулини осонлаштиради, қишлоқда турмуш тарзини ўзгартиради, маданиятини юксалтиради, санитария ҳолатини яхшилайди. Дангал айтишим мумкин: газ келиши қишлоқда турмуш тарзининг ўзгаришига туртки беради.

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражаси бўйича қайси вилоят пешқадамлик қилмоқда, деган савол тез-тез берилади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ҳам, «Ўзбекгазсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида ҳам бу саволга Хоразм вилоятини мисол қилиб кўрсатдилар. Вилоятдаги қишлоқ жойларни газлаштиришнинг аҳволи ҳақида вазирликнинг инфратузилмалар бошқармаси бош мутахассиси Л. Бурунқулова батафсил сўзлаб берди:

— Хоразм вилоятида қишлоқлардаги уй ва квартираларни табиий газ билан таъминлаш даражаси, биздаги маълумотларга кўра, 1998 йил бошида 86 фоизни ташкил этади. Бу анча юқори кўрсаткич. Вилоятда ёппасига газлаштирилган ва бу ишни фақат ўзларининг маблағлари ҳисобига амалга оширган ўнлаб хўжаликлар бор. Давлат ҳам қараб тургани йўқ. Уларга маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиб турибди. Ҳатто энг олис ҳисобланган Гурлан, Хазорасп ва Янгибозор туманларининг қишлоқлари ҳам табиий газ билан 90 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ таъминланган. Аҳоли пунктларини қамраб олиш хусусида шуни айтиш мумкинки, Хоразмдаги 624 қишлоқдан 588 таси газ билан таъминланган. Бу, албатта, бошқа қишлоқлар газдан фойдаланмайдилар, деган гап эмас. Уларга суюлтирилган газ баллонларда етказиб бериляпти. Тўғри, бундай газ фақат ошхоналарнинг плиталари учун, яъни овқат тайёрлаш учунгина ярайди. Вилоятда газлаштириш давом этаяпти. Хоразмлик қурувчиларнинг тажрибасини ўрганса арзийди. Чунки улар ишни жадал суръатларда олиб боришади. Бунда улар катта масофалардаги трасса ва тармоқларнинг шаҳобчаларини қўзда тутмайдилар, балки уни ҳар бир деҳқон оиласига етказишни ўйлайдилар.

Суҳбатдошимиз Людмила Тожибоевна ва бошқа ҳамсуҳбатларимиз билан мулоқотлар чоғида ана шу мавзу атрофида жиддий фикрлар уйғонди. Чунончи, барчамизни республикамизда газлаштириш соҳасида мустақилликка эришгунча қандай эди-ю, ҳозир қай аҳволда деган саволлар қизиқтирди.

Бундан 30 йилдан кўпроқ илгари Бухоро—Урал ва Марказий Осиё — Марказ магистрал қувури қурилган эди. Улар орқали ҳар йили Россиянинг саноат марказлари, юзлаб шаҳарлари, минглаб посёлкаларига мамлакатимиз тупроғи қаъридан олинган миллиардлаб кубометр «зангори олов» «ҳайдалар» эди. Афсуски, ана шу газ дарёлари бошланадиган Бухоро ва Навоий вилоятларининг қишлоқ туманлари газлаштириш бўйича мамлакатимизда энг сўнгги ўринларда туришибди.

Нега бундай номутаносиблик юз берди? Гап шундаки, собиқ СССР даврида Ўзбекистонимиз ўзининг табиий бойликларига ўзи эгалик қилолмасди. Боз устига, уларнинг арзимас қисмини ҳам ўз халқи учун тасарруф этишга қурби етмасди. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда манзара бутунлай ўзгариб кетди. Юқорида номи қайд этилган вилоятларда ҳам қишлоқларни газлаштириш жараёни жонланди.

«Ўзбекгазсувқурилиш» акционерлик жамияти ва унинг бўлинмалари амалдаги йилда қурилиш-монтаж ишларининг мақсадли дастурини ишлаб чиқишди. Унга ўнлаб қурилиш иншоотлари киритилган. 1998 йилда газчилар ўтган йилдагидан ҳам кўра кўпроқ иш бажарадилар. Жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ дастлабки объектлар ишга туширилади. Шу ўринда муаммоларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунончи, «Ўзбекгазсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодига салбий таъсир кўрсатаётган баъзи муаммоларнинг бартараф этилиши янги газ тармоқларининг янада самарали қурилишига кўмаклашган бўларди. Бу аввало, ўзаро ҳисоб-китобларнинг тартибга солинишига, қурилиш техникаси — қувур ётқизувчи машиналар, бульдозерлар, экскаваторлар, пармалаш машиналари, пайвандлаш ускуналари, автотранспорт паркининг бир қисмини янгилашга дахлдордир. Уларнинг кўпчилиги эскириб қолган. Баъзи буюртмачилар бажарилган ишлар учун ҳамиша ҳам ўз вақтида ҳақини тўламаётир. Бундай ҳол ҳатто газ қувурлар ишга туширилгандан сўнг ҳам давом этаётир. Ҳудудидан асосий газ қувури кесиб ўтадиган айрим хўжаликларнинг ҳисобида маблағ йўқлиги, қишлоқлар ичида тармоқларнинг шахобчалари қурилишини маблағ билан таъминлашда муқулликлар туғилаяпти. Узлуксиз маблағ билан таъминлаш тартибини баъзан вилоят ҳокимиятларининг ўзлари бузишмоқда. Бюджетдан ажратиладиган пулни вақтида беришмаяпти.

Акционерлик жамияти раҳбарияти молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган қарздорларнинг аҳволини сўзсиз тушунадилар. Бироқ, у қачонгача давом этади? Унинг ҳам чеки-чегараси бўлиши керакку. Навбатда янги-янги қишлоқларни газлаштириш масаласи турганлигини улар ҳам унутмасин-да!

Яна саноқли йиллар ўтар, заминимиз қаъридан отилиб чиқаётган «зангори олов» ўтин, кўмир, мазутни узилкесил турмушимиздан сиқиб чиқаради. Бинобарин, бугунги кунда бунёд этилаётган ҳар бир янги газ тармоғи мустақил мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ошиб бораётганидан далолат берувчи, ғоят катта аҳамиятли бўлган ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлаётганини кўрсатувчи рамздир.

Норбобо ШАКАРОВ,
Икром АҲМЕДОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбирлари.

ДИН НИҚОБИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛАР

Аён ва баён

Намангандаги воқеалар ҳамма қатори мени ҳам қаттиқ изтиробга солди. Ваҳшийларча қатл этилганларнинг айримларини билардим. Ниҳоят, ўз мулоҳазаларимни газетхонларга изҳор этишни лозим топдим.

Илгари фақат учта масжид бўлган Наманган вилоятида 1995 йил 1181та масжид, шундан жомъе масжидлар сони 146 тага кўпайди. Битта мадраса очилди.

Шўро даврида уларга нисбатан бўлган тазйиқлар тамом барҳам топди. Олий органларга диндорлардан ноиблар сайланди. Президент Фармонлари билан уларга кўп имтиёзлар яратилиб берилмоқда. Шўро даврида мутлақ маън этилган турли диний адабиётлар чоп этилмоқда.

Республикамиз шаънига доғ тушираётган иллатларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш, ёшларни ҳалол, покиза қилиб тарбиялаш ўрнига гуруҳларга бўлиниб, ниқоблар остида давлат сиёсатига ва халқ манфаатига зид бўлган ҳаракатлар, чиқишлар намоён бўла бошлади. Булардан энг хавфлиси 1990 йилда Ўзбекистон ва Тожикистонда бошланган ваҳҳобийлар ҳаракати бўлди. Ваҳҳобийлар кимлар?

Ваҳҳобийя XVIII асрда Марказий Арабистонда тарқалган диний-сиёсий оқим Оврўпода «фундаментализм» деб юритилмоқда. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 1703 йили Араб ярим оролининг Нажд вилоятидаги Уяйна шаҳрида туғилган, 1792 йили вафот этган. Муҳаммад Ҳанбалий мазҳабида тарбияланган. Ҳижоз, Ироқ, Сурияга саёҳат қилган. Ваҳҳобийлар таълимоти Ислом илоҳиятига, шариатга асосланган бўлиб, уларнинг асосий ақидаси ваҳдоният (якка худолик)дир. Улар Исломни Қуръон ва ҳадислар асосида поклашга, Муҳаммад (С.А.В.) давридаги (яъни асри саодатдаги) асли ҳолига келтиришга, арабларни чинакам ислом байроғи остида бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Улар муқаддас жойларни зиёрат қилишни, авлиё ва мозорларга сиғинишни, зоҳидликни қоралайдилар. Оддий кийиниш, камтарона ҳаёт кечириш, айшу ишратга ва кўп бойлик тўплашга берилмасликни тарғиб қиладилар. Шу билан бирга улар мусиқани, қўшиқ айтишни қоралаб, маънавий маданиятга қарши чиқадилар. Ваҳҳобийларнинг Абдулазиз ибн Сауд (1880-1953) раҳбарлигида 1920 йили бошланган кўп йиллик уруши натижасида 1932 йили Саудия Арабистони давлати ташкил топди. Ваҳҳобийя ҳозирги кунда бу давлатда ҳукмрон мазҳаб ҳисобланади. Бу оқим Ҳиндистон, Индонезия, Суматра, Судан ва қисман Шимолий Африкада ҳам тарқалган. Ибн Абдулваҳҳоб бир қанча рисолалар ҳам ёзган. Улардан «Китоб ат-тавҳид» («Якка худолик ҳақидаги китоб»), «Кашф аш-шубуҳот» («Шубҳаларни ечиш»), «Тавсир ал-фотиҳа» («Фотиҳа сураси тафсири») кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Ваҳҳобийлар таълимотида ҳаётдаги баъзи салбий иллатларга қарши курашиш, мол-дунё, ҳирсу ҳаводан воз кечиш, исломга зид урфу одатлардан тийилиш, ҳалоллик, поклик каби ижобий ғоялар борлигини инкор этиш адолатдан эмас. Лекин ҳозирги илм-фан, техника, маданият, давлатчилик ва турли халқлар орасидаги ўзаро сиёсий ва маънавий муносабатлар юқори даражага кўтарилган бир даврда Исломни пайғамбар (С.А.В.) даврларига қайтариш асло мумкин эмас. Агар шундай қилинадиган бўлса, илм-фан тараққиёти туфайли вужудга келган буюк янгиликлар — бидъати ҳасаналардан (электр, машина, самолёт, телефон кабилар) ҳам воз кечиш керак бўлади. Ваҳҳобийя ислом мамлакатлари, шу жумладан мамлакатимизда аёлларни фойдали меҳнатдан, мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишдан маҳрум этади. Шунинг учун ҳам у таълимот Саудиядан бошқа ислом давлатларида қабул этилмади. Саудия Арабистонида ваҳҳобийлар ҳеч қандай давлат ишларига аралашмайди, уларнинг ҳеч қандай партияси ҳам йўқ. Мамлакатда низо-фитналар чиқармайди, акс ҳолда улар қонун бўйича жазоланади. Яна шуниси ҳам борки, улар барибир Саудияда исломни асл ҳолига қайтара олмадилар. Мамлакат илғор, замонавий техника ва илм-фан тараққий этган давлат сифатида ривожланиб бормоқда, уйида кўплаб хизматкор сақлайдиган миллиардер бойлар, мулкдор, банк эгалари яшамоқда.

1990-1992 йиллари Ўзбекистон ва Тожикистонда, шу жумладан, Наманганда ваҳҳобийлар пайдо бўлди.

Мен у вақтда Тошкентда яшардим. Таътил пайтида дам олиш учун Наманганга келдим. Ваҳҳобийлар авжига чиққан. Уларга на ўша даврдаги раҳбарлар ва на давлат идоралари бошлиқлари, ҳатто ҳуқуқни ҳимоя қилиш маҳкамалари, раҳбар ва ходимлари, зиёлилар ҳам ҳеч нарса дейишолмасди. Ваҳҳобийлар қароргоҳи Ота Валихон тўра масжиди жомеъси экан. Шаҳар диндорлари икки қисмга бўлиниб кетишган. Қонли тўқнашув чиқиш хавфи туғилган. Раҳбарларнинг бирини «кофир» деб, бирини «муртад» деб, ҳақорат қилишади. Фаол зиёлилар ташаббуси билан қанча маблағ сарфланиб Мулло Қирғиз мадрасаси ўрнида адабиёт музейи ташкил этилиб, қимматбаҳо, ноёб экспонатлар билан жиҳозланганди. Жоҳил ваҳҳобийларнинг кўр-кўрона ҳаракати билан экспонатлар чиқариб ташланиб, у ер мадрасага айлантирилди. Мен Наманганда мадраса бўлишига қарши эмасман, лекин шуни шошилмай, аввал музейга жой топиб ёки мадрасага бошқа ердан жой топиб қилинса бўларди-ку! Қимматбаҳо музей жиҳоз ва экспонатлари қаердадир қопларда ётибди, кўплари йўқолиб кетган. Бино атрофини ўраб олиб, зўрлик билан тортиб олиш буларга қарши ҳеч ким ҳеч нарса деёлмаса? Ҳаётимни қаттиқ хавф остида қолдириб, «Ота Валихон тўра масжиди жомъеси имом-хатиблари ва қавмларига очиқ хат» номли мақоламни «Наманган ҳақиқати» газетаси ва Наманган радиосига бердим. Ўртоқларим «Ваҳҳобийлар сизни ўлдириб юборади» дейишди. Мақола 1990 йил 8 сентябрда босилиб чиқди, уни ҳамма туман газеталари кўчириб босди. Радиода қайта-қайта эшиттирилди. Ўша мақоламда ваҳҳобийлар ҳаракати, унинг мамлакатимиз ҳаёти, давлатимиз сиёсати ва исломга тамоман зид эканлигини далиллар билан исботлаб берган эдим. Менинг учун бу енгил кўчмади. Қаердандир адресимни топиб Намангандаги уйимга кечки пайт иккита машинада ўн киши кириб келди. Ҳаммаси соқолли, бадбашара, диний илмдан тамом саводсиз шахслар. Диний илмни яхши билганим учун уларга тегишли жавобни қилдим ва мен билан имомингиз келиб гаплашсин (имом ҳозир қидирувда юрган Абдулваҳад эди) дедим. Иккинчи кун яна бештаси келди, булар ҳам нуқул саводсиз, диндан бехабар кишилар эди. Охирги учрашув «Наманган ҳақиқати» бош муҳаррири марҳум Т.Назиров хонасида бўлди. Бу сафар тўртта жангариси билан баҳслашдим. Улар мени мақолага раддия ёзишга ундашди, биттаси ҳатто «Мен беш марта қамалиб чиққанман» дейишдан ҳам тоймади. Мен: «Керак бўлса мени судга беринглар, раддия ёзмайман» деб уларни жўнатдим. Ваҳҳобийлар билан қилган суҳбатларим шуни кўрсатдики, улар соқол қўйган, на дунёвий, на диний илмдан хабарсиз ёшлар ва нафақахўр турли тоифадаги кишилар эди. Ҳатто ваҳҳобийлик нималигини билмасди. Имом Абдулаҳаднинг уйига бориб: «Газетани ўқидингизми?» десам, «Йўқ, вақтим бўлмади» — деди. «Ия, укам, сизнинг масжидингиз ҳақида мақола ёзиладию ўқимайсиз, масжидга бир гуруҳ саводсиз, исломдан бехабар кишиларни тўплаб олибсиз, улар давлатимиз сиёсатига зид иш қиляпти, исломга бутунлай зид нарса эмасми? Бу улкан бино уларга нима учун керак эди? Бazи ваҳҳобийлар (айниқса, Тожикистонда) давлатни қўлга олишга ҳам уриндилар. Ислом пайдо бўлгандан ҳозиргача бирорта давлат тепасида диндорлар шоҳ, хон, амир ёки президент бўлган эмас (ҳатто дин давлат дини бўлган Саудия Арабистони, Эрон, Покистон каби давлатларда ҳам), лекин диндорлар шоҳ, амир, халифаларнинг яқин маслаҳатчиси, ҳатто муршиди ҳам бўлганлар. Ҳар икки томон иштирокида Шайх эшон жомъе масжидидаги бўлган йиғинда қатнашдим. Наҳотки, динга ҳам катта зарар етказяпти», —дедим. Ёнида дадаси ҳам ўтирган эди. Ниҳоятда, мутаккаббирлиги туфайли мени писанд қилмади, сўзларимга эътибор ҳам бермади. Менинг мақсадим Ота Валихон тўра масжидини тинчитиш, кейинги рўй бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олиш эди. Тошкентга келгандан кейин имом Абдулаҳад номига диний қонун-қоидалар ва давлат қонунлари асосида хат ёзиб, масжидни саводсиз, ҳоҳил мутаваллилардан тозалашни, бўлмаса бошқа масжидга ўтиб имомлик қилишини айтдим. Имомга менинг панд-насиҳатларим таъсир қилмади. Оқибатда саводсиз, динсиз бир гуруҳ оломон томонидан турли жиноятлар содир этилди. Бир қанча софдил кишилар қони тўкилиб, мол-мулки талон-торож қилинди, оилалар бошига оғир кулфат-мусибатлар тушди.

Дунёга кенг тарқалган динлар — зардушт, буддийлик, яҳудий, насаро ва исломнинг ҳамма мазҳабларида шу жумладан, ваҳҳобийларда ҳам қотиллик, қон тўкиш, босқинчилик, ўғрилик, пора, фоҳишабозлик, қимор каби инсон ҳаёти учун ўта зарарли иллатлар тамом маън қилинган ва оғир, катта гуноҳлар деб таъкидланган. Соқол қўйиш, салла ўраш исломда одамнинг диндорлиги белгиси эмас, диндорлик, эътиқод қалбда бўлиши керак. Толибонлар, Жазоирдаги ўз халқи, миллати, қарию-ёшлар, аёллар ва гўдаклар қонини тўкаётганларни мусулмон деб аташга, ҳатто ваҳҳобийлар дейишга ҳам (улар таълимотида бундай хунрезликлар йўқ) асос йўқ. Булар тахт, мансаб учун инсоний қиёфасини йўқотган, на дин, на миллатни тан оладиган шахсиятпарастлардир. Агар улар озгина бўлса ҳам исломий таълим олганларида, бу ёвузликларни қилмаган бўлардилар.

Болалар тарбиясида қариндош-уруғ, маҳалла ва мактаб зиммасига ҳам масъулият юкланади, чунки бир авлод ёки маҳалладан ахлоқсиз, тарбиясиз, безори, ўғри бола етишиб чиқса, уларнинг ҳаммасига, шу жумладан бола ўқиган мактабга ҳам доғ тушади, иснод келади. Ҳозирги дин эркинлиги берилган масжидларда ибодат қилинаётган даврда имом-хатиблар, уламолар ҳам ёшлар тарбиясидан четда турмаслиги керак. Наманган вилоятида 1181 та имомдан фақат 8 нафари олий диний маълумотга эга, холос. Имом диний илмлар билан бир қаторда ўз халқи, ватанининг тарихи, адабиётини, давлат сиёсатини ҳам билиши, оламда, ислом дунёсида юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиши шарт. Имомлар савиясини ошириш учун Тошкент олий маъҳади қошида 6 ойлик ёки бир йиллик малака ошириш курслари ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб биламан.

Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари доктори, профессор.

1 2 3 4

Инсон ҳуқуқлари

НОРОЗИЛИК ВА ЎЗГАРИШ

1964 йилги Фуқаро ҳуқуқлари бильли борасидаги мунозаралар пайтида айрим қонун чиқарувчилар дискриминацияни ирқ билан бирга жинсга мансублик асосида ҳам қонундан ташқари деб эълон қилувчи қўшимча киритиш ёрдамида йўққа чиқаришга уриндилар. Аввалига қўшимча, кейин эса биль чиқарилиб, аёлларга ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш учун қонуний қурол берди.

Аёллар ўз тақдирини яхшилаш учун ўзлари чора-тадбирлар кўрдилар. 1966 йили 28 касб эгалари бўлган аёллар «эндиликда Америка аёлларини Америка жамиятининг ҳаётида тўлиқ иштирок этиш учун иш юритиш» мақсадида «Аёлларнинг давлат ташкилоти» (АДТ)ни таъсис этдилар. Орадан тўрт йил ўтгач бу ташкилот аъзоларининг сони 15000га етди. АДТ ва унга ўхшаш ташкилотлар аёлларни ўз чекланган имкониятлари борасида сезгир этиб, мавқеларини кучайтиришга ундади.

Аёллар ҳуқуқлари учун уюшган фаолият 1970 йилларнинг бошида авжига етди. 1972 йили Конгресс Конституцияга тенг ҳуқуқлар қўшимчасини киритди. Унда таъкидланишича: «Қонунга биноан ҳуқуқлар тенглиги на Америка Қўшма Штатлари ва на ҳеч бир штат томонидан жинсига қараб рад этилмайди ва чеклаб ўтилмайди». Кейинги бир неча йил давомида бу қўшимчани ҳаётга татбиқ этиш учун уни тасдиқлаши лозим бўлган 38 штатдан 35 таси тасдиқлади, бироқ бу қонуний куч бериш учун кифоя қилмади ва аёллар ҳаракати турғунлашуви билан бу қўшимча 1982 йили назардан четда қолди. Аёлларни жинсига қараб дискриминация этишдан ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун ҳам давом этаётганига қарамай 1970 йиллар мобайнида ва ундан кейинги даврда аёллар ўз олдига қўйган мақсадлар уларни Америка ҳаётининг барча соҳаларида ўз мустаҳкам ўрнини эгаллашга келтирди.

II Жаҳон Урушидан кейинги Америкада испан тилида сўзлашувчи гуруҳлар ҳам дискриминацияга дуч келди. Куба, Пуэтро-Рико, Мексика ва Марказий Америкадан келганлар кўпинчалик маҳоратсиз бўлиб, инглиз тилида гапира олмасди. Улардан айримлари фермерларга ишга ёлланиб, ҳосил йиғим-теримида пайтларида аёвсиз эксплуатация қилинар эди; ўзгалари эса шаҳарларга тўпланиб, илк муҳожир гуруҳлари каби яхшироқ ҳаёт кечириш илинжида қийинчиликларга мубтало эди.

АҚШ ишчиларининг талай даромадини ҳимоялаган 1935 йилги Миллий меҳнат муносабатлари қонуни ишчиларнинг уюшиш ва коллектив битим тузиш ҳуқуқи кафолатини қишлоқ хўжалигида машғул одамларга бермаган эди. Бироқ қора танлиларнинг фаолияти испанларга плюрализмга асосланган жамиятда сиёсатчиларга босим ўтказиш муҳимлигини ўргатди. Беҳисоб ферма ишчилари испан уюшмасининг асосчиси Цезар Чавес давлат миқёсида баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчилар томонидан бойкот қилишга даъват этди. Натижада, кўчкинчилар учун юқорироқ иш ҳақи ва иш шароитларининг яхшиланишига эришилди. Айнан ўша пайтларда испанияликлар сиёсий жиҳатдан фаоллашиб, Америка жамиятига янада кўпроқ сингиб кетди.

Фуқаро ҳуқуқлари ҳаракатини кўзғотиш учун ўз ҳуқуқларини талаб этган яна бир гуруҳ — асл америкалик (ҳинд)лар бўлди. 1950 йилларда федерал ҳукумат асл америкаликларни резерватциялардан шаҳарларга кўчириш ва шу тариқа уларни «Америка оқимига» киритишга имкон берувчи программани қабул қилди. Улар на фақат ўз ерларини йўқотган эди. Ўз илдизларидан маҳрум этилган кўплаб ҳиндлар кўпинчалик шаҳар ҳаётига кўникма ҳосил қилишга қийналар эди.

1960 ва 1970 йилларда асл америкаликлар ўз ҳуқуқларини талаб этишда ҳужумкор мавқе эгаллади. Раҳбарларининг янги авлоди қабила ерларидан сақланиб қолган қисмини ҳимоя этиш ёки кўпинчалик ноқонуний равишда тортиб олинган ерларни қайтариш учун суд маҳкамаларига мурожаат этди. Штат кетидан штатда улар битим бузилганлигини рўкач қилдилар ва 1967 йили кўп замонлардан бери уларга ман этилган ер ва сув ҳуқуқларини кафолатловчи ғалабаларга эришдилар. 1968 йили таъсис этилган Америка ҳиндларининг ҳаракати ҳукумат маблағларини ҳиндлар назорат этувчи ташкилотларга ўтказиш ва шаҳарлардаги муҳтож ҳиндларга ёрдам беришга муваффақ бўлди.

Ҳиндларнинг фаоллиги самара берди. Ўзга америкаликларнинг эҳтиёжлари кўз очди ва ҳукуматнинг барча тармоқларидаги масъул ходимлар анчадан бери оёқ ости этилган тенг муносабат ўтказиш борасидаги босимга жавоб бердилар.

(«Инсон ҳуқуқлари. Кириш» китобидан).

Минтақавий конференция

Деҳлида ноқонуний молиявий операцияларга, порахўрлик, контрабанда ва гиёҳвандликка қарши кураш масалаларига бағишланган минтақавий конференция бошланди.

Анжуманда Жануби-шарқий Осиё давлатлари вакиллари мазкур муаммоларга қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ умумий дастурни муҳокама этмоқда. Ҳиндистонлик вакилнинг айтишича, ҳозир Осиё давлатларида йилига 300 миллиарддан 500 миллиард АҚШ долларигача баҳоланадиган миқдорда гиёҳванд моддалар етиштирилмоқда. Бу оғунинг ноқонуний савдоси минтақа мамлакатлари иқтисодиёти ва молиявий тизимига катта зарар келтираётир. Фақат ҳамкорликда курашилган тақдирдагина мазкур дунёвий муаммони бартараф этиш йўлида салмоқли натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Табиий офат оқибатлари тугатилмоқда

Яқинда Хитойнинг шимолий ҳудудида жойлашган Хэбэй вилоятида кўплаб вайронагарчиликларга олиб келган кучли зилзила рўй берган эди. Бунинг натижасида 50 нафарга яқин киши нобуд бўлган, кўплаб одамлар жароҳатланган ва бошпанасиз қолганди. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун жаҳон банки Хитой Халқ Республикасига 20 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди.

ГИТЛЕРНИНГ МИЯСИ

Адольф Гитлер бутун тарих давомида инсониятга нисбатан шафқатсиз сиёсат олиб борган шахс сифатида шу кунгача лаънатлар билан тилга олинади. Унинг айби билан содир қилинган барча адолатсизликлар, ёвузликларни ҳеч бир сабаб юмшатишга қодир эмас. Бироқ унинг фаолияти асл моҳиятини тушуниш мақсадида, яқинда қўлга киритилган унинг мияси акси туширилган расмларни мутахассислар чуқур ўрганиб чиқдилар.

Ўрганиш натижалари эса кутилгандан-да ҳайратланарли маълумотларни келтириб чиқарди.

Энди масаланинг асосий қисмига келсак, 1944 йил 19 сентябрда Гитлернинг Растенбургдаги қароргоҳида уни ўлдириш учун суиқасд уюштирилади: бомба портлаши натижасида ирқчилар доҳийсининг бурни ва қулоғи шикастланади. Шахсий врачи Тео Морелла Адольфни кўрикдан ўтказиш учун мутахассис врач Эрвин Гизингни чақиртиради. Эрвин Гизинг уни зудлик билан рентген текширувидан ўтказиш зарурлигини айтади.

Шундай қилиб, бу расмлар иттифоқ қўшинлари томонидан қўлга киритилиб, йигирма йилдан кўпроқ Британия мудофаа вазирлигида сақланади. Сўнгра саксонинчи йилларга келиб расмлар архивга топширилиб юборилади. Ҳозир бу расмлар махсус бинода сақланади. Ва бу бинога эса, расмлар устида ишлаётган бир неча мутахассис врачларгагина кириш рухсат этилади. Мутахассисларнинг аниқлашича: — «Гитлер компьютерларга монанд мантиқ билан фикр юритган: у бошқа одамлар каби теран ва нозик бўлган ҳис-туйғулардан — севиш, ғамхўрлик қилиш, қийналишлардан маҳрум бўлган», — дейди доктор Людвиг Греч. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, расмлардаги чап мия айлана бўлимида электр активлиги кучли бўлган. Бу эса унинг ўта совуққон ва ҳисоб-китобли мавқеига сабаб бўла олади. Миясининг ўнг айлана бўлими эса, яъни олийжаноб туйғулар туғиладиган тарафи — бутунлай қотиб қолган. Расмлар, шунингдек, мия марказининг ниҳоятда фаол ишлаганини, раҳм-шафқат билан боғлиқ мия бўлимлари эса, умуман ишламаганлигини кўрсатади. Шу ерда ўринли савол туғилади. Ирқчилар доҳийсининг мияси туғма шундай бўлганми ёки кейинчалик ўзгарганми?

Кейинчалик ўзгарган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, одам қайси фазилатни ўзида кўпроқ парвариш қилса, ўша фазилат унда кучлироқ бўлиб бораверади!

Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Словакия Бош вазири Владимир Мечар президентлик вазифасини бажаришга киришди. Словакия Президенти Михаил Ковачнинг ваколати 2 март куни тугаган эди. Бироқ янги давлат раҳбарини сайлаш масаласи барбод бўлди. Чунки номзодларнинг ҳеч бири парламентда зарур овоз ололмади. Мамлакат конституциясига биноан бундай вазиятда Президент лавозимини Бош вазир эгаллайди. Владимир Мечар халқ орасида диктатор, деган номини оқлаб бўлди. Чунки ҳозирданоқ Ковач томонидан тайинланган 28 элчини чақириб олди ва 19 апрелга мўлжалланган умумхалқ референдумини бекор қилди.

***

Жанубий Корея самолётлари Шимолий Корея осмонида ҳам учадиган бўлди. Корея можаролари бошланганидан буён биринчи бор «Кориан эйрлайнз» компаниясининг Анкориждан Сеулга учаётган юк самолёти Шимолий Кореянга тегишли денгиз устидан учиб ўтди.

***

Вьетнамда наркотик моддалар тайёрлайдиган кишиларни оммавий равишда қатл этиш маросими бўлди. Полициянинг собиқ капитани ва унинг 6 ҳамтовоғи Ханойга яқин жойда юзлаб кишилар иштирокида отиб ўлдирилди. Бу 1998 йилдаги иккинчи оммавий қатл маросимидир.



Дания. Орхус шаҳри.

Ғалати ихтиролар

«ЭЛЕКТРОН ШАПАЛОҚ»

Таъқиқланган иш доимо сирлидек туюлади. Аҳамият берганмисиз, «тегма» дея беркитган нарсага бола кўпроқ қизиқиб қолади.

Биз катталар ҳам баъзан шундай ҳолатга тушамиз-ку. Лекин бунинг иложини топиш қийинмас. Хорижлик кашфиётчилар шунинг ҳам йўлини топишди. Олимлар бола тарбияси билан шуғулланувчи — электрон бошқарув асбобини яратишди. Бизнингча содда қилиб айтганда «электрон шапалоқ» десаям бўлаверади.

Электрон — кузатгич боланинг бўйнига худди бўйинтуруқдек осиб қўйилса, тамом. «Кўчага чиқма», «Машина йўлига чиқиб ўйнама», хуллас нимаики вазифа бўлса электрон ёзиб олади. Кейин болани бемалол тўрт томонга бўш қўйиб юбораверасиз. Чопдими — ток уради «қайт», дейди огоҳлантириб. Агар шундаям қулоқ солмаса, кучланиш бироз ошади. Ток кучидан бола аганаб ҳам тушаверади. Шундан сўнг бола «хато»сини англайди-ю, қўйдек ювош бўлади-қолади.

«Бўйинтуруқ»лик болаларни Лос-Анжелес ёки Майами, Янги Орлеанда учратсангиз ҳеч ажабланарли ери йўқ. Ихтирочи Питер Лортонсон «бўйинтуруқ»ни инсон соғлиғига зарарсиз дея тавсия этса-да, баъзи мутахассис руҳшунослар «электрон шапалоқ»ни болага, ҳатто ҳайвонларгаям тақманг. Агар улар бу «тергаш» асбобини узиб кетсалар, тутиб бўпсиз. Улар «чопиш»дан ҳалоқ бўлади, дея чиқишлар қилишяпти.

Сара Овербах ҳам ўзининг 2 яшарлик Бренди, 3 яшарлик Зак ва тўрт ёшли эгизаклари Тиффан ва Томмини «электрон шапалоқ» билан «боғлаб» қўйди. Натижаси ёмонмас. Фақат сал кўнгил ҳижил томониям бор-да. Гўдаклар «бўйинтуруқ» бўлсаям барибир болалик ўйинқароқликларидан ҳеч воз кеча олишмаяпти. «Огоҳланиб» йиқилганларидан тез-тез ҳали боши ғурра, ҳали оёқ-қўли лат еган, тиззаси шилинган. Агар шундай майда-чуйда жароҳатларни ҳисобга олмаса, болалар билан ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа содир бўлмади. Яъни «электрон тарбиячи» бола ҳаётини ҳимоялашнинг энг қулай усули. Овербахлар кунига 4-5 талаб «электрон шапалоқ» ейишаркан?!

Ихтиро-ихтирода. Лекин ҳеч кузатганмисиз, болаларни шунчаки ўзимизнинг тарбия усулида «ушласак» қанча жароҳат олишаркин? Ҳа, жароҳат олмасин деб «тегма» деймиз-да. Қизиқ...

Унда бизнинг болаларга бунақа жаҳоншумул ихтиро — «электрли шапалоқ»ни таклиф этмасак ҳам бўлади. Ахир шапалоқ электрли бўлди нима-ю, шунчаки қўл бола бўлиб тушди нима?!

Санда ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

НЕОНДЕРТАЛЛАР АЖДОДЛАРИМИЗ ЭМАС

Маълумки, бундан 30 минг йил илгари яшаб ўтган питекантроплар авлоди бўлмиш неондерталлар шу кунгача бизнинг аждодларимиз деб ҳисоблаб келинарди. Энди эса бир гуруҳ мутахассислар бу фикрни рад этишмоқда. Аниқроғи, неондерталлар бизнинг аждодларимиз эмас экан. Бу ҳаммамиз учун ҳам кутилмаган гап. Қизиқ. Қандай қилиб бу масалага ўзгартириш киритилди, бу ҳам навбатдаги олди-қочди гапларда, дерсиз. Лекин бу хулосалар асосли далилларга эга.

Келиб чиқишимизга алоқадор бўлган бу мулоҳазалар ва тахминлар Германиянинг Мюньхен ва Американинг Пенсильвани университети олимларини жиддий қизиқтириб қолди ва унга аниқлик киритиш мақсадида 1856 йили Германияда топилган неондертал қолдиқларидан фойдаланиб, уни синчковлик билан ўрганиб чиқишди. Аниқланишича, неондерталларнинг генетик тузилиши одамларнинг хромасомалар тузилишидан кескин фарқ қилиб, ҳатто асрлар давомида ҳам у одамга айланиши мумкин эмас экан. Олимлар неондерталларнинг олдинги аждодлари бундан 600 минг йил илгари одамларнинг ҳақиқий аждодларидан ажралиб кетган ва қадимги кроманьонлар ва ҳозирги шимпанзелар даври оралиғида йўқолиб кетган, деб тахмин қилишмоқда.

Фанда барча аниқликлар тахминлардан келиб чиқади. Бу борада баҳслашиш ортиқча. Олимларимиз эса ўз тахминларининг исботи топилишига астойдил ишонишади.

МАҲОРАТ ЧАРХЛАНМОҚДА

Олтмишинчи йилларнинг ўрталаридаги шогирдларим орасида энг кенжасини сира эсимдан чиқара олмайман. Чунки, биринчидан унинг исми Муҳиддин бўлса, иккинчидан машғулотларга камроқ келса-да зукколиги билан бошқа болалардан ажралиб турарди. Бошқалар ҳафтада уч марта келса, Муҳиддин бир, нари борса икки бор қатнарди.

Бир куни у билан дона суришиб ўтирарканман, тахтада кескин ва қизиқ вазият рўй бериб қолди. Биттагина ноаниқ юриш қилсам, рақибим мени тўрт юришда мот қилиши мумкин. Аммо бунинг учун у қурбонлар бериши керак. Синаб кўриш иштиёқи туғилди менда. Муҳиддин зўлдик билан комбинацияни амалга оширди. Ушанда у олти ёшда эди. Уни астойдил табрикладим. Меҳрим яна ошди унга. Эртасига бошқа болалардан унинг оилавий турмушини суриштира бошладим. Оилада улар ўн фарзанд бўлиб, Муҳиддин кенжаси экан. Қўлидан келганича ота-онасига ёрдамлашаркан. Нима ҳам қила олардим. Бўладиган бола эди. Афсус, балки гроссмейстер бўлиб кетармиди.

Зални тўлдириб ўтирган навбатдаги республика биринчиликлари иштирокчилари орасида яқинда Францияда бўлиб ўтган болалар жаҳон мусобақасида муваффақиятли дона суриб қайтган вакилларимиз – 11 ёшли самарқандлик Журабек Ҳамроқулов, қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева, тошкентлик Антон Филлиповларни кўриб, ўттиз йил аввалги ёшларни эсладим.

Бу галги республика чемпионатида биринчи табақа турнирларининг энг кўп ва кучли қатнашчилари жалб этилганлиги яққол сезилиб турарди. Эркаклар турнирида роппа-роса 100 киши бўлиб, уларнинг олти нафари спорт усталари эканлиги олий лига турнирига йўлланма берувчи уч ўрин учун кураш ҳар галгидан кўра кескинроқ ўтишидан далолат эди.

Мусобақанинг швейцарча усулда ўтказилиши кун сайин пешқадамлар сафини янгилаб ва кучайтириб борарди. Андижонлик шахматчилар оиласи – Каримовларнинг энг истеъдодлиси Иброҳимжон бундан 14-15 йил муқаддам собиқ иттифоқ усмирлари биринчилигида ўзини кўрсатишга улгурганлардан бўлиб, 1994 йили Шаҳрисабзда ўтказилган республика чемпионати олий лигасида спорт устаси унвонига сазовор бўлган, 1996 йили эса Москвада ўйналган Жаҳон олимпиадасида қатнашган эди. У кун сайин ютуқлар сонини ошириб, якунловчи 11-тур олдидан ҳаммадан ўзиб кетди. Унинг ажойиб комбинацияларига дош беролмаганлар талайгина бўлди. Бироқ сўнгги учрашувни бой бериб қўйди. Шунда ҳам у биринчиликдан тушмади.

У билан тенг – 9 очко жамғарган сирдарёлик спорт устаси Рамз Қутбиддиновга иккинчи, унинг ҳамюрти – сирдарёлик Собир Умаровга учинчи ўрин насиб бўлди. Улар май ойида ўтадиган олий табақа республика чемпионатига йўлланма олдилар. Кейинги ўринлар қаршилик спорт устаси Раим Ражабов, Алексей Исаев, спорт усталигига номзод Алим Тошев, Сергей Қаюмов, Жасур Мажидовларга берилди. Эркаклар турнирида ўз қобилиятини синаб кўрган аёллардан Ирина Гаршкова 7 очко жамғариб юқори натижага эришди.

Аёллар мусобақасида 30 иштирокчи ҳам олий лигага йўлланма берувчи дастлабки уч ўрин учун курашди. Қизғин баҳслар натижасида 11 имкониятдан 10 очко жамғарган қаршилик Ирина Тошмуродова ғолиб чиқди. 2-4-

Шатранж оламида

ўринлар самарқандлик Шаҳноза Ҳамроқулова, тошкентлик Елена Рогова ва наманганлик Ольга Сонга тегди.

Куни кеча Франциядан хушхабар олдик. Бу ерда 14-марта ўтказилган анъанавий халқаро турнирда шахматчиларимиз муваффақият қозонишди. Умуман бу нуфузли мусобақа юртдошларимиз учун омад келтирмоқда. Икки йил аввал Александр Ненашев ғалаба билан қайтган эди. Бултур Рустам Қосимжоновга гроссмейстерлик бали берилди. Бу сафар эса самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин 9 имкониятдан 7 очко олиб, иккинчи бўлди. Ваҳоланки, мусобақада 72 мамлакатдан 636 шахматчи қатнашган эди. Уларнинг 92 нафари гроссмейстер экани ҳам мусобақа нуфузидан нишонадир. Шунингдек, М. Салтаев, С. Йўлдошев, Д. Қаюмов, А. Барсов ва Р. Қосимжоновлар кучлилар сафидан ўрин олишди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 5 mart, payshanba № 28 (22.265).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ – (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб – «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ– (масъул котиб – «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ОИЛА — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШҒАНЛАР»

Фамилияси: ***Холматова***
Исми: ***Турсунбуви***
Қачон, қаерда туғилган: ***1889 йилда Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги Сарой қишлоғи. Ҳозир ҳам шу ерда яшайди.***

Узоқ умр кўришининг сири: ***бир умр ҳалол, пок турмуш кечиргани.***

Юз ёшнинг хулосаси: ***Юртимиз тинч бўлсин. Фарзандларимизнинг ризқ-насибаси доимо бутун бўлсин.***

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

КИМЛИГИНИ ЭЛ БИЛГАН ИНСОН

Инсон хотираси азиз

Камолот йўли осон эмас: киши ўзига мос касб танласа тузук, акс ҳолда ярим йўлга борганда «бу касб менга тўғри келмас экан» дейдиганлар ҳам учраб туришини Ҳасан ака ўз газетаси таҳририятида кўп кўрди. Аммо унинг ўзи касб танлашда адашмади.

Пойариқнинг Жавшар қишлоғида дунёга келган Ҳасан ака Худойбердиев меҳнат фаолиятини дастлаб 40-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган эди. Ўқитувчилик ва журналистика... Бир қарашда бир-биридан жуда узоқ соҳаларга ўхшаб кетади, аммо... чуқурроқ разм солсак, икковининг илдизи битта: адолат, тарбия, тўғри сўз, мураббийлик, эл-юрт ишига фидойилик... ва...

Шу битта энг муҳим ўхшаш томони эсга келмаяпти. Хаҳ, нимайди? Тил учида турибди-я. Ҳа, бўлди: ёшлар келажагини олдиндан кўриш! Сал ошириб юбордингиз, деяпсиз-ов, чамамда. Йўқ, аксинча. Мана, ўзингиз ёшлигингизни бир тасаввур этиб кўринг. Келинг, ортиқча камтарлик қилмай қўяқолинг. Ўқитувчингиз кимгадир: «бу бўладиган бола» дегани балки қулоғингизга чалингандир. Ва шундай бўлгани ҳақиқат...

Қолаверса, унинг ўзи ҳам кўп йиллар «штатсиз мухбир» бўлган эди-да. Қаранг, ишдан ажралмаган ҳолда (ўша пайтда ҳам туман газетасида саркотиб, яна туман радиосида муҳаррир эди!) Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирди. Ўша 1956 йилнинг ўзида газетада муҳаррир ўринбосари, орадан ўн икки йил ўтгач, унга муҳаррир бўлди. Ва роппа-роса йигирма йил газетага дарғалик қилди.

Қарашлари жиддий, ўз ишига масъулиятни теран англайдиган бу фидойи инсон туманнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва айниқса, мафкуравий соҳаларини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшди. Айтиш мумкинки, энг олийжаноб, эзгу ишларидан бири кўплаб шогирдлар етиштирди!

Ҳасан Худойбердиев ўтган иили баҳорда ҳаётдан кўз юмди. Туман зиёлилари бу ажойиб инсон, ёшлар устози ва моҳир газетачининг эл-юрт учун қилган ишларини, одамларга яхшилигини ҳали кўп гапиришади, ёзишади. Гап бу ерда унинг қатор орден ва медаллар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони олганида ҳам эмас. Гап шундаки, ҳар бир одамда, айниқса ижод аҳлида гўзаллик туйғуси кучли бўлиши кераклигини у қайта-қайта уқтирарди.

Ахир, инсон орзу билан тирик дейдилар. Ҳар бир кишининг каттами-кичикми ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Ҳасан аканинг ёшликдаги орзуси хаёлий эмас, жуда ҳаётий эди: «Қачондир мен ҳам кўпларга ўхшаб ҳалол меҳнатим, худо берган истеъдод билан эл оғзига тушармиканман», дерди.

Эл оғзига тушиш... Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айтишади-ку: бу кунларга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам бор деб. Ҳасан Худойбердиев — бу кунларга етган, эркин нафас олган инсон эди. «Кимлигимни эл билса бўлди» деб бежиз куйланмаган ахир қўшиқда ҳам. Дунёда кимлигини тумани, маҳалласидагилар тугул, ҳатто ёнатрофидагилар ҳам яхши англамаган инсонлар қисматидан Худо асрасин!

Ҳамид ИКРОМОВ.

Диққат, янги рукн: **«ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ, ЭНГ ЯХШИ ХОНАНДА»**

Таҳририят қўшиқчилик санъатини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, қўшиқларимизни халқ ўртасида тарғиб этиш мақсадида **«Энг яхши қўшиқ, энг яхши хонанда»** рукнини ташкил этди. Унинг талаби: бизга келаётган мактублар асосида ҳар ойда бир марта энг яхши қўшиқ ва энг яхши хонанда аниқланади. Сиз ўзингиз ёқтирган қўшиқ ва хонанда номини бизга ёзиб юборинг. Энг кўп овоз олган хонанда ва унинг қўшиғи мактублар сонига кўра 5 та ўринга тақсимланади.

1998 йил бошидан март ойигача таҳририятга келган мактублар асосида энг яхши қўшиқ ва энг яхши хонанда қуйидагича аниқланди.

5-ўрин. Равшан Комилов: *«Дўлана» қўшиғи.*

4-ўрин. Илҳом Иброҳимов: *«Ўн олтидан ўтганда қизлар» қўшиғи.*

3-ўрин. Авазбек Олимов: *«Мен топдим сиздек малакни» қўшиғи.*

2-ўрин. Эмрон (турк қўшиқчиси): *«Ринна-ринна-рин ёрим» қўшиғи.*

1-ўрин. Муҳриддин Холиқов: *«Гўзалим» қўшиғи.*

Таҳририятга мактуб йўллаётганингизда конвертга ***«Энг яхши қўшиқ, янг яхши хонанда рукнига»*** *деб ёзишни унутманг.*

РАҚС САНЪАТИ МУХЛИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошида ташкил этилган «Мукаррама» рақс студияси келажакда миллий рақс санъатининг мафтункор сир-асрорларини эгаллаб, моҳир раққоса ва раққос бўлишни истаган истеъдодли болаларни таҳсил олишга ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ўқув машғулотларини машҳур санъаткор устозлар олиб борадилар. Студияни муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабида таҳсил олиш учун имтиёзли йўлланма оладилар. Шунингдек, битирувчилар «Баҳор», «Ўзбекистон», «Тановар», «Зарафшон», «Лазги» ансамблларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бадиий жамоаларида ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Ўз фарзандлари ва тарбияланувчиларининг ноёб қобилиятларини сезиб, ўзбек миллий рақс санъатининг барҳаёт анъаналарини давом эттиришга йўналтириш истагида бўлган ота-она ва мураббийлар, вилоятларда яшовчилар ҳокимлик қошидаги маданият бошқармаси «Ўзбекрақс» бирлашмаси маъмуриятига мурожаат этишлари мумкин.

Студияга 12-14 ёшли қиз ва ўғил болалар танлов асосида қабул қилинади.
7-11 ёшли болалар учун тайёрлов синфлари фаолият кўрсатади.

Аризалар жорий йилнинг 30 мартигача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, «Баҳор» концерт зали.

Телефонлар:
139-12-78, 139-10-16, 133-50-25.
Факс: 139-12-78.

«ХЕРСОН ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ КОМБИНАТИ» ЁПИҚ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ «ТОРГСЕРВИС»

Турли хилдаги «оч ёнғоқ», қайрағоч, эман, «тўқ ёнғоқ» рангидаги мебель қоғозларини

СОТАДИ

Манзил: Украина Республикаси, 252021, Киев шаҳри, Марьяненко кўчаси, 9. Телефонлар: код (044) 290-21-35, 290-03-38. Тошкентдаги телефон: 41-83-07.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

Шуни маълум қиладики, 1997 йилнинг тўртинчи чораги учун дивидендлар ҳар бир акцияга 148 СЎМ 57 ТИЙИН қилиб белгиланди.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Жиззах туманидаги «Хайробод» кооператив-ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият раиси Салоҳиддин Жамоловга падари бузруквори **ЖАМОЛ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Зангиота тумани партия кенгашининг биринчи котиби Тўлқин Файзиевга падари бузруквори **Обиджон ФАЙЗИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ёгмойтамакисаноат» уюшмасининг маҳсулот сифатини назорат қилиш лабораторияси жамоаси шу лаборатория бошлиги Мамлакат Қодировна Иминовага онаси **Асолат ИКРОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдирадилар.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО, навбатчи Хайрулла АБДУЛЛА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вакти 21.00.
Топширилди 02.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА